

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY VA O‘RTA MAXSUS TA‘LIM VAZIRLIGI**

**ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
SAMARQAND DAVLAT UNIVERSITETI**

TABIIY FANLAR FAKULTETI

GEOGRAFIYA BO‘LIMI

R E F E R A T

**Мавзу: Ўзбекистоннинг туристик
имкониятларини географик баҳолаш**

М.Р.Усмонов, Т.Ж.Жумабоев

Samarqand 2012

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРИСТИК ИМКОНИЯТЛАРИНИ ГЕОГРАФИК БАҲОЛАШ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси географик ўрнига кўра Евросиё материгининг қоқ ўртасида жойлашган бўлиб, шимолдан Қозоғистон, шарқ ва шимоли-шарқдан Қирғизистон, жанубдан Тожикистон ва қисқа масофада Афғонистон, ғарбдан Туркменистон Республикалари билан чегарадош. Республиканинг майдони 448,9 минг км.кв. бўлиб, унинг ҳудуди Буюк Британия, Бельгия, Дания ва Швейцария каби давлатларни қўшиб ҳисоблаганда ҳам улардан майдони жихатдан каттароқдир. Мамлакат аҳолиси 27543,4 минг (2009 йил) кишини ташкил этади. Шундан шаҳар аҳолиси 14236,0 минг, қишлоқ аҳолиси эса 13297,4 минг кишидан иборат. Мамлакат урбанизация даражаси 51,7% ни, аҳолининг саводхонлик даражаси 99,9%ни ташкил қилади. Республиканинг пойтахти Тошкент шаҳри ҳисобланади. Мамлакат ҳудудининг 70%и текисликлардан иборат бўлиб булардан Помир-Олой ва Хисор тоғ тизмаларидан ташкил топган. Республика тоғ тизмалари оралиғида тоғ оралиғи ботиклари жойлашган. Булар Чирчиқ-Оҳангарон, Фарғона, Сангзор-Нурота, Зарафшон, Қашқадарё ва Сурхон-Шеробод ботикларидир. Мамлакатимиз ғарбий қисмида яъни Амударёнинг оролга қуйилиш жойида Хоразм воҳаси ва Амударё дельтаси жойлашган.

Республикаимизнинг иқлими қуруқ, континентал иқлим, яъни бу ернинг ёзи илқ ва иссиқ, қиши эса совуқ ва сернам. Ёғингарчиликнинг асосий қисми баҳор ва қиш ойларига тўғри келади. Республикаимизнинг текислик қисмида ўртача йиллик ёғин миқдори 150-200 мм.ни ташкил қилади. Тоғли ҳудудларда эса ёғин миқдори 400-500 мм. га тенг.

Ўлкаимизнинг асосий дарёлари – Сирдарё, Амударё, Чирчиқ, Оҳангарон, Зарафшон, Қашқадарё, Сурхон ва Шерободдарёлар ҳисобланади. Ушбу дарёлар ўз сувини тоғлардаги қор ва музликлардан олади. Шу сабабли улар ёз ойларида серсув бўлади. Ушбу дарёлар сувининг асосий қисми текислик ва тоғолди ҳудудларидаги ерларни суғоришга сарфланади. Республикаимиз текислик қисмининг асосий қисми чўллардан иборат бўлиб, улар чорва молларни боқиш учун яйлов сифатида фойдаланилади. Тоғларда ёзда соғломлаштириш масканлари, шифобахш сувлар ҳам жойлашган.

Ўзбекистон ҳудудида дастлабки давлатчиликнинг бундан тахминан 3 минг йил илгари даврларга тўғри келади. Республикаимиз ҳудудида таркиб топган дастлабки давлатлар-Суғдиёна, Бактерия, Хоразм, Давон ва Қанг давлатлари ҳисобланади. Республикаимиз ҳудудидан ғарб ва шарқни, шимол ҳамда жанубни бир-бири билан боғлаб турувчи «Буюк Ипак йўли» ўтган. Бу ҳудудда савдо-сотиқнинг ривож топиши, шарқ маданиятининг ғарбга, ғарб маданиятининг шарққа кириб боришида асосий омил бўлиб хизмат қилган. Шунинг учун ҳам мамлакатимиз ҳудудидан топилган қадимги топилмалар орасида ғарб маданияти яъни Юнон (илм маданияти) маданиятига хос бўлган топилмаларнинг мавжудлигини кўрамиз. Бизнинг ҳудудимиз орқали

«Будпарастлик» мамлакатимиздан шарқда жойлашган мамлакатларга сингиб борганлигини археологик топилмалар исботламоқда.

Мамлакатимиз ҳудудида давлатчиликнинг таркиб топиши, савдо-сотиқнинг ривожини бу ерда ҳунармандчиликнинг, фан ва маданиятнинг ривож топишига олиб келади. Натижада ўрта асрларга келиб жаҳонга машҳур буюк алломалар ушбу мамлакатдан етишиб чиқди. Буларга Абу-Али Ибн Сино, Ал-Хоразмий, Муҳаммад Ал-Беруний, Ал-Фаробий, Ал-Фарғонийлар мисол бўла олади.

Республикаимиз ҳудудида қадимги давлатларнинг таркиб топиши, уларнинг иқтисодий ривожини қадимги босқинчиларнинг диққатини ўзига торта бошлади. Шу сабабли мамлакатимиз ҳудуди турли даврларда турли босқинчиларининг бостириб келганлигининг гувоҳи бўламиз. Эрамиздан олдинги VI асрда мамлакатимиз ҳудудига Эрон ахамонийлари, кейинчалик юнонлар, турклар, араблар, мўғил-татарлар бостириб келди ва ўнлаб йиллар ҳукумронлик қилди. Улар мамлакатимизни талон-тарож қилдилар, фан ва маданият ривожини сўндирди. Лекин бу ерда яшаётган халқнинг иродасини бука олмади.

XIX асрнинг ўрталарига келиб, мамлакатимиз ҳудуди рус империяси қарамоғига ўтди. 70 йил давомида эса собиқ шўролар давлати таркибидаги республика сифатида, 1991 йил 31-август куни эса ўз мустақиллигини қўлга киритди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган кунидан бошлаб, Президентимиз И.А.Каримов бошчилигида республикаимиз иқтисоди, фан ва маданиятни бозор иқтисоди тамойиллари асосида ривожлантиришга киришилди. Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтишнинг бешта асосий тамойили ишлаб чиқилди ва улар ҳаётга изчил тадбиқ этила бошлади. Булар иқтисоднинг сиёсатдан устуворлиги, давлатнинг бош ислохотчи эканлиги, бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш, қонун устуворлиги ва кучли ижтимоий ҳимоя тамойилларидир.

Республикаимизнинг суверен давлат мақомида дунё мамлакатлари томонидан тан олинishi, 120 дан ортиқ давлатлар билан расмий дипломатик муносабатларнинг ўрнатилиши, элчихоналарининг очилиши қисқа давр ичида Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига кириб боришида муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва иқтисодиётни ривожлантиришда жаҳон тажрибасидан кенг фойдаланилмоқда. Бошқа соҳалар каби мустақиллик йилларининг дастлабки кунларидан бошлаб туризмни ривожлантиришга катта эътибор берилди. Бу ўринда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришга давлат томонидан катта имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, Президентимиз И.А.Каримовнинг 1995 йил 2 июнда чиқарилган «Буюк Ипак йўли»ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикаси иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш» тўғрисидаги Президент Фармони мамлакатимизда туризм ривожланишида дастлабки қадамлардан бири бўлди. Бундан ташқари, 1998 йил 15 апрелда қабул қилинган «2005 йилгача бўлган

даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш» давлат дастури бу соҳанинг истиқболини белгилашда катта аҳамият касб этади. Юқоридаги Қарор ва Фармонлар асосида қисқа вақт ичида республикаимизнинг кўпгина минтакаларида тарихий, диний обидалар, буюк сиймолар қабрлари, даҳмалар, масжиду-мадрасаларнинг қайтадан тикланиши ва таъмирланиши кенг миқёсда амалга оширилди. Бу бевосита туристик объектларнинг кўпайишига ва яхшиланишига олиб келди.

Маълумки, БМТ нинг 1972 йилда қабул қилинган конвенциясида халқларнинг бетакрор маданий ёдгорликларини авайлаб асрашга келишилган. Ҳозирги кунга келиб фойдаланишга яроқли 500 дан ортиқ маданий ёдгорликлар ўзига хос такрорланмас тарихий-маданий ансамбиллар, архитектура ёдгорликлари танишув ва диний туризм истиқболида аҳамиятlidir.

Республикаимизда ҳозирги кунга келиб 4000 дан ортиқ тарихий обидалар, монументал архитектурага хос бўлиш манзиллар мавжуд. Булар Будда динига мансуб топилмалар, Искандар Зулқайнарнинг юришлари араблар истилочилиги, мўғиллар босқини, ҳамда Амир Темур ва Темурийлар империяси ва бошқа даврлардан далолат берувчи сайёҳлик объектларини ташкил этади. Бундай архитектура ёдгорликларининг айниқса Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларида жуда яхши сақланиб қолинган. Ушбу шаҳарлардаги архитектура ёдгорликлари ўзининг аҳамияти, кўриниши ва жозибадорлиги жиҳатидан Миср эҳромлари, Ҳиндистон, Қадимги Юнонистон ва Римдаги архитектура ёдгорликларидан қолишмайди.

Бундан ташқари мамлакатимизда геолог-геоморфологик, гидрологик ва биологик туристик объектлар мавжуд.

Биобарин, геологик-гидроморфологик объектларга Сурхандарё вилоятидаги Бойсун тоғларида жойлашган ўрта палеолитнинг «Мустье маданияти» (мил.авв. 100-40 минг йиллик)га тааллуқли Тешиктош ғори мисол бўлади. Ушбу ғордаги топилган ёш боланинг бош суягини ўрганиш асосида Ўрта Осиё ҳозирги замон одам типининг шаклланиш зонасига киради, деган муҳим хулоса чиқариш имконини беради. Қадимги одамлар яшаган тоғларга Самарқанд вилояти Омонқўтон тоғларида жойлашган Омонқўтон ғори, Фарғона водиёсида жойлашган Селинғур ғорлари ҳам мисол бўла олади.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекисон ҳудудида нафақат қадимги тош асрига хос ёдгорликлар сақланиб қолмасдан балки ўндан кейинги даврларда ҳам одамлар у ерда яшагани маълум. Жумладан, Мезолит даврида (мил.авв. 12-15 минг йиллик) да Сурхондарё вилоятининг тоғли ҳудудларини қадимги одамлар томонидан ўзлаштириш давом этган. 1938-1942 йилларда Г.В.Парфенов, 1970-1971 йилларда У.Исломов томонидан текширилган Мачай ғори бу даврга оид йирик манзилгоҳлардан бири Шеробод тумани ҳудудидаги Зараутсой суратлари мезолит даври ёки неолитнинг бошларига оид эканлиги аниқланган. Бундай топилмалар ва тошга чизилган суратлар Самарқанд вилоятининг Нурота тоғларида ҳам учрайди.

Геолого-геоморфологик ёдгорликлари Қоратепа тоғининг жанубий ёнбағрида жойлашган Амир Темур ғори, Чақилкалон тоғларидаги Келси ғори Қирқтов платосидаги кудуқлар, Ҳисор тоғларида жойлашган қадимги динозаврларнинг тошга айланган излари сақланган Китоб геологик кўриқхонаси, Ҳисор тизмасидаги «Темир дарвоза» деб номланган Дарбанд тангалари мисол бўла олади.

Биологик ёдгорликларга Қашқадарёнинг водийсининг юқори қисмида жойлашган диометри 12 м. га етувчи Чинор, Сурхондарё водийсидаги ёши 100 йилдан ошган чинорларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бундай табиатнинг нодир ёдгорликлари хорижий сайёҳларда жуда катта таъсурот қолдиришига шубҳасиздир. Мамлакатимиз ҳудудида диний ва археологик туризмни ривожлантириш имкониятлари юқори. Жумладан, мамлакатимиз ҳудуди қадимги одамлар яшаган археологик топилмаларга жуда бой. Бундай топилмалар учрайдиган жойларга Сурхондарё вилоятидаги Афросиёб, Хоразм вилоятидаги «Қўй қирилган қалъа» ҳудудларида учрайди. 1972 йил 26 сентябрда Ўзбекистон археологлари томонидан Сурхондарё вилоятининг Далварзинтепа манзилгоҳида олиб борилган тадқиқотлар натижасида, бу ерда умумий сони 115 та олтин буюм солинган сапол кўза топилган. (умумий оғирлиги 36 кг) олтин безаклар, тақинчоқлар, маҳаллий Грек-Бактрия заргарлик санъатининг намунаси ҳисобланади. Саполлитепада манзилгоҳида будда динига мансуб қадимги одамларнинг гўрлари топилиши ҳам Ўрта Осиёдан шарқ мамлакатларига будда динининг тарқалганлигидан далолат беради.

Бундан ташқари, мамлакатимизда буюк алломалар ўтган юртлардан бири ҳисобланади. Буларга ҳадисшунослик ва исломий билимларнинг жаҳон миқёсида ривожланишига катта ҳисса қўшган Имом Ал-Бухорий, Ал-Фарғоний, Марғилоний, Ат-Термизий, Мотрудий ва Муҳаммад Пайғамбарнинг амакиси (Қусам Ибн Аббос) кўним топган Шоҳи-Зинда мақбаралари мисол бўлади. Ушбу буюк сиймоларнинг қабрларини зиёрат қилиш учун жаҳоннинг кўпгина давлатларидан, хусусан араб давлатлари ва мусулмон динига эътиқод қилувчи кўп бўлган давлатлар зиёратчилар келиши истаги борлигини билдирмоқдалар. Бу келажакда диний туризм билан боғлиқ ҳолда туризмнинг бошқа турларини ҳам ташкил этиш ва ривожлантириш истиқболларини белгилайди.

Ўзбекистонда маданий этнографик туризм соҳасини ривожлантириш имкониятлари жуда катта. Республикамиз халқларининг тўй маросимлари (қиз чиқариш, келин келтириш, ўғил тўйи), ўйинлар-кўплари, кураш, хўроз уруштириш, қўй уруштириш, байрамлари Навруз, ер ҳайдаш, ариқ чопиш, ҳосил байрами ва бошқалар жаҳон халқларида катта қизиқиш уйғотади.

Республикамиз турли ҳудудлари халқларининг ўзига хос ўйинлари мавжуд. Бунга Сурхондарё вилояти Бойсун туманида яшовчи аҳолисининг ўйинлари Қашқадарё вилояти Ғилон қишлоғи аҳолисининг ўйинлари, хорижий сайёҳларда катта қизиқиш уйғотади.

Бундан ташқари, ҳар йили республикамизнинг Сурхондарё вилоятида ўтказиладиган «Бойсун баҳори» фестивали, Самарқанд шаҳрида ҳар икки

йилда бир марта ўтказиладиган «Шарқ тароналари» халқаро анжуманлари ҳам бу ерда туризмни ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон диёрида яшаётган халқларда миллий ҳунармандчилик жуда яхши ривожланган. Буларга сапол буюмларга ишлов бериш чангкорлик, ёғочга ишлов бериш ёғоч ўймакорлиги, заргарлик буюмлари тайёрлаш заргарлик, мисга ишлов бериш мисгарлик, миллий кийимлар- дўппи тикиш, зар чопон тикиш ва бошқалар ҳам хорижий сайёҳларда катта қизиқиш уйғотади.

Халқимиз томонидан тайёрланадиган ширин таомлар –палов, шашлик, манти, турли хил ширинликлар ҳолва, парварда, нон ёпиш Самарқанд нони ва бошқалар ҳам хорижий сайёҳларни ўзига жалб қилади.

Шу билан бирга республикамызда ҳар йили пишиб етиладиган ширин-шакар мевалар (узум, қовун, торвуз, ўрик ва бошқалар)нинг ширинлиги жаҳонга машҳур. Шунинг учун республикамызда қуз ойларида ўтказиладиган қовун сайли, хорижий сайёҳларни ўзига тартади. Бу эса республикамызда агротуризмни ривожлантириш имкониятини беради.

Республикамыз замини турли хил рангли металлларга бой. Ушбу бойликларни ўзлаштириш учун хорижий инвестрларга барча шароит яратилган. (ҳуқуқий , божхона ва бошқалар). Шунинг учун кейинги йилларда республикамызда халқ хўжалигининг турли соҳалари айниқса ёқилғи-энергетика рангли металлургия, машинасозлик, кимё, формацевтика, енгил ва озиқ-овқат тармоқлари бўйича кўплаб қўшма корхоналар қуриб ишга туширилган. Бу эса республикамызда тадбиркорлик туризмни ривожлантириш имкониятини беради.

Республикамызда туризмнинг барча соҳаларини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратилган. Жумладан, республикамызнинг барча вилоят марказларида халқаро андазаларига жавоб берадиган аэропортлар, темир йўл, автобус бекатлари қурилган. Мамлакатимиз аэропортларидан халқаро ва маҳаллий рейсларда самолиётлар қатнови йўлга қўйилган. Келажакда тарихий шаҳарларга тўғридан тўғри халқаро қатновларни йўлга қўйишни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, Тошкент-Самарқанд-Бухоро темир йўлида тезюар электр поездлари қатнамоқда. Автомобил йўллари халқаро андозаларига мос равишда таъмирланмоқда. Пойтахтимиз Тошкент ва барча вилоят марказларида халқаро тоифадаги барча категориядаги меҳмонхоналар мавжуд ва фаолият кўрсатмоқда. Республикамызга хорижий сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилишда, республикамызнинг 1994 йилдан бошлаб туризм бўйича ташкил қилинадиган халқаро ярмаркаларда фаол иштирок этмоқда. Халқаро туристик ярмаркалари Малайзияда, Бенилюкс мамлакатларида (2008) бўлиб ўтди. Шунинг ҳисобига Бенилюкс мамлакатларидан сайёҳларнинг келиши 2009 йилда 2008 йилга нисбатан икки баробар ортди. Шу билан биргаликда Ўзбекистон миллий туризм компанияси ҳар йили республикамызда туризм соҳаси бўйича халқаро кўргазма, ярмарка ва анжаманларни ўтказиб келмоқда. Ушбу анжуманларга жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидан ўзларининг туристик маҳсулотлари билан қатнашиб келмоқдалар. Қилинаётган бундай амалий ишлар, энг

муҳими мамлакатимизда ҳукм сураётган барқарор танглик ва барқарор иқтисодий ривожланиш бу ерда келажакда туризмнинг янада кучлироқ ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳозирги кунда республикаимизда 9 минг кишига мўлжалланган компинглар фаолият кўрсатмоқда. Кейинги беш йилда бир вақтнинг ўзида 1330 меҳмонларга хизмат кўрсата оладиган 17 та катта ва ўртача катталиқдаги меҳмонхоналар қуриб ишга туширилди.

Ўзбекистон туризм фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга 350 та ташкилот фаолият кўрсатмоқда, шундан 300 таси хусусий фирмалар ҳисобланади. Бугунги кунда туристларга хизмат кўрсатишнинг 90% хусусий туристик фирмалар томонидан амалга оширилмоқда.

Республикаимизда келаётган хорижий сайёҳларнинг 76,2% туристик марказлар –Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент шаҳарларига тўғри келмоқда. Қолган 24,6% хорижий сайёҳлар Фарғона водийсидаги тарихий ёдгорликларни кўришга қизиқишади.

Бу эса туризмнинг моддий –техник баъзасига таъсир кўрсатади. Республикада 40% туризмнинг ишлаб чиқариш қуввати Тошкент шаҳрида жойлашган, 37% эса Самарқанд, Бухоро ва Хоразм вилоятларига 16% Фарғона водийси ва Сурхондарё вилоятига тўғри келади. Республиканинг 50% майдонини эгаллаган бошқа вилоятларга республика туристик ишлаб чиқариш қувватининг 7% тўғри келади, холос. Республикага келадиган туристларнинг асосий қисми Германия, Франция, Италия, Япония ва Россияга тўғри келади.

Республика Давлат статистик қўмитасининг берган маълумотига кўра ҳозирги кунда «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг мамлакат ялпи ички маҳсулоти ишлаб чиқаришдаги улуши 0,6 %ни ташкил қилади. Ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 7-9%ни ташкил қилади. Шунини ҳисобга олиб Ўзбекистон Республикаси Президенти мамлакатимизнинг бой туристик имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш масаласини қўймоқда.

Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш лозимки, қуйидаги масалаларга эътибор қаратиш туризм истиқболида муҳим аҳамиятга эгадир:

- Ўзбекистоннинг географик ўрни ва жойлашуvidан келиб чиққан ҳолда туризм соҳасига ўзига хос ёндошиш;
- табиий шароит ва ўзига хос иқлим хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда танишув, рекреация ва дам олиш ва соғломлаштириш масканларини карталаштириш ва турист қабул қилиш юқини географик ва экологик баҳолаш;
- қадим тарихи ва буюк келажакини акс эттирувчи туристик рекламаларни хилма хил кўринишда, турли тилларда янада кўпайтириш;
- диний туризм истиқболи юқорилигини инобатга олиб ислом динига эътиқот қилувчилар кўп бўлган давлатлар туризм бозорини ўрганиш ва уларни қизиқтириш;
- қадимий ва туризм шаҳарларида «эркин туристик зоналар» ташкил этиш;
- туристик маҳсулотлар турни янада кўпайтириш;

- «Очиқ осмон остидаги музейлар» мавжуд ҳудудларда шарқ маданияти ва цивилизациясини, этнографиясини, тарихий ва миллий кийимларда юришни (сотувчилар, ҳунармандлар ва хизмат кўрсатувчи ходимлар учун) йўлга қўйиш;

-туризм моддий техник базасини янада кучайтириш;

- Соғломлаштириш ва дам олиш, курортлар тизимига хорижий сайёҳларни жарб қилиш орқали рекреация туризмига эътиборни кучайтириш;

- туризмга оид қонунчиликни янада кучайтириш;

- туристик тадқиқотлар олиб бориш, инновацион ва корпоратив ҳамкорликни янада кучайтириш ва ҳ.к.